*Адолат мезонлари*

***«Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт!»***

**Ислом КАРИМОВ**

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ ТАЛАБ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БИЛИНГ!

**Ҳар бир фуқаро ўз хақ-ҳуқуқи, бурчи, жамият ва оила олдидаги масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бундай жамиятда қонун устуворлигига, адолат мезонлари барқарор бўлишига эришиб бўлмайди. Бугунги кунда ҳамюртларимиз Конституциямизда мустаҳкамлаб берилган хақ-ҳуқуқларини ҳимоя ва талаб қилишни биладиларми? Шу мазмундаги саволлар билан Олий Суд раисининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Машҳура САФОЕВАга мурожаат қилдик.**

**- Давлатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлида улуғ ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳуқуқ-тартибот органларини жазоловчи органдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга айлантириш борасида суд органларига холисона иш кўришлари учун катта имкониятлар яратилди.**

- Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин биз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлига қадам қўйдик. Бу эса, фуқаролар ҳуқуқи тўла таъминланган давлат барпо этиш демакдир. Саволингизга бироз кенгроқ изоҳ беришимга тўғри келади. Фуқаролар ҳуқуқи тўла ҳимоя қилиниши бу фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки ҳуқуқ-тартибот органларигагина боғлиқ эмас. Бунинг учун аввало давлатимизда қонун устуворлигини таъминлаш зарур бўлади. Уни таъминлаш учун эса, ҳар бир фуқаро қонунларда белгиланган ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ва масъулиятларини чуқур эгаллаган бўлишлари лозим. Шуни унутмаслик керакки, қонун-қоидаларни яхши билган кишилар асло қоқилмайдилар.

Афсуски, фуқаролар ҳар доим ҳам қонунларда белгиланган ҳуқуқ, бурч ва масъулиятларини яхши билавермайдилар. Бунинг устига қаерга, қандай ва кимга мурожаат қилишларини тушунмайдилар. Фикримнинг далили сифатида бир неча мисол келтириб ўтмоқчиман: Яккабоғ тумани Галабута қишлоғида яшовчи Хўжанова турмуш ўртоғи Б.Хуррамов билан бирга қурган уй-жойлари ва орттирган мол-мулкларини олиб беришни сўраб Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилган. Ушбу масалани ҳал қилиш Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирмаслиги сабабли у Олий судга юборилган. Олий судда ариза ўрганиб чиқилиб, уй-жойига киритиб қўйиш, уни бўлиш, мол-мулкларини олиб бериш ҳақида даъво ариза билан низоли уй жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) судига мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилган хат ёзилди.

Чироқчи туманидан Я.Бойқобилов, З.Пардаевлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига; Чилонзор туманида яшовчи М. Каримова, Термиз шаҳрида яшовчи Т.Қодировалар ҳам худди шундай мазмундаги шикоят ва аризалар билан турли юқори органларга ҳамда Олий судга мурожаат қилганлар. Ачинарлиси шундаки, улар ўз аризаларида қачон, қайси суд томонидан иш кўрилгани ва у қандай ҳал қилинганлиги тўғрисида суд қарорини илова қилмаганлари ҳолда ёрдам беришни сўраганлар. Ўз-ўзидан маълумки, бундай мазмундаги шикоят ёки аризаларни ҳал қилиш имконияти мавжуд эмас. Лекин биз қонун-қоидаларга суянган ҳолда иложи борича фуқаролар ҳуқуқини холисона ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

**- Демак, ҳуқуқимизни ҳимоя қилишимиз кўпроқ ўзимизга, яъни қонун-қоидаларни яхши ўзлаштира билишимизга боғлиқ экан. Сиз фуқароларнинг қандай масала бўйича қаерга мурожаат қилишларини яхши билмасликлари хусусида гапирдингиз. Шу ўринда фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб Олий суд ёки бошқа судларга мурожаат қилиш тартиблари ҳақида ҳам тушунча бериб ўтсангиз.**

- Саволингизга жавоб беришдан олдин бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишим лозим. Олий суд қонуний кучга кирган суд қарорларининг асослилигини назорат тартибида текширади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилган «Фуқароларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Бу қонунга асосан ҳар бир фуқаро, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожат қилишлари мумкин. Лекин фуқаролар бу қонун берган ҳуқуқлардан етарлича фойдаланаётганлари йўқ.

Шикоят билан мурожаат қилиш тартиби ва муддатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита туман (шаҳар) судига ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёҳуд мансабдор шахсга ўз ҳуқуқи ва эркинликлари бузилганидан хабар топган кундан бошлаб уч ой ичида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида, яъни шикоят қилинаётган органдан юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқиши шарт. Агар шикоят қаноатлантирилмаган бўлса, ёки фуқаро шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

**- Шикоятни бевосита ҳуқуқи бузилган шахс берадими ёки унинг қариндошлари ҳам бериши муминми?**

- Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек, фуқаронинг илтимосига биноан жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Вакилнинг ваколати Фуқаролик процессуал кодексининг 53-моддасида кўрсатилган тартибда расмийлаштирилади.

Биринчидан, вакилнинг (ота-онаси ёки бошқа қариндоши) ваколатлари, яъни унга юклатилган вазифалар қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим.

Фуқаролар берадиган ишончномаларни нотариуслар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Вакилнинг ваколатида унга юклатилган барча ҳаракатлар, яъни судга ариза бериш, ундан воз кечиш, аризадаги талабларни камайтириш, кўпайтириш ёки ўзгартириш, келишув битими тузиш, суднинг қарори устидан шикоят қилиш ва бошқа ҳаракатлар алоҳида кўрсатилиши шарт...

**(Давоми бор.)**

*Имтиёз*

# ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

**Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўз аъзоларининг меҳнат қилиш, дам олиш, меҳнат ҳавфсизлиги ва ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соҳа ходимлари касаба уюшмалари ходимлари билан биргаликда кўпгина ишларни амалга оширди.**

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича вилоятларда касаба уюшма фаоллари иштирокида семинарлар ўтказилиб, вилоят касаба уюшма қўмиталари меҳнат қонунига оид адабиётлар, меҳнат хавфсизлиги, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ҳамда меҳнат қонунчилигига оид масалалар бўйича услубий қўлланмалар билан таъминланди. Бу жойларда қонун бузилишининг олдини олишга ёрдам бермоқда.

1996 йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг амалга киритилиши муносабати билан меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишларда ишлаётган ходимларга бериладиган қўшимча таътиллар рўйхати бекор қилинган эди. Натижада соҳа ходимларига бундай қўшимча таътилларидан фойдаланишларида айрим хатоликларга йўл қўйилларди. Меҳнат кодексининг 137-моддасига асосан ходимларга таъкидлаб ўтилган қўшимча таътиллар берищидан олдин ишчи жойларини аттестациядан ўтказиш, яъни меҳнат шароитларини баҳолаш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Бундай ишларни амалга ошириш учун эса катта маблағ ва узоқ муддат талаб қилинади.

Шунинг учун Марказий қўмита томонидан соҳа ходимларининг дам олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий қўмита ўртасида 1999-2000 йилларга мўлжаллаб тузиладиган ўзаро Битимга ишчи ўринлари аттестациядан ўтгунга қадар соҳа муассасалари ходимларининг олдинги, яъни 1996 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган йиллик меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги сақланиб қолишлиги тўғрисида таклиф киритилди. Бу таклиф қабул қилиниб 1999 йил 23 апрелдаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳам соҳа ходимларини, айниқса, 1999 йил - Аёллар йилида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига 1997-1999 йилларга мўлжалланган ўзаро Битимга қўшимчалар киритиш таклифлари билан чиқди. Бу таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилиб, 1999 йил 3 апрелдаги Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳайъати ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси Раёсатининг қўшма қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:

— ўн тўрт ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга маоши сақланган ҳолда иш кунини 1 соатга қисқартириш;

— 1999 йил аёлларга меҳнат таътилига уч кун ишидан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш.

Демак, Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли бўлган соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган аёллар юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишга ҳақлидирлар.

Амалдаги Меҳнат қонунчилигида ёш болали аёлларга кўплаб имтиёзлар белгиланган. Лекин, бу имтиёзлар муассасаларда фаолият кўрсатаётган барча аёлларга ҳам тадбиқ этилади, деб бўлмайди.

Масалан, Меҳнат кодексининг 232-моддасига мувофиқ икки ва ундан ортиқ ўн икки ёшгача ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч кун ишидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши керак.

Бироқ, текширувлар давомида қонуннинг бу талаби Тошкент шаҳридаги санатория-эпидимиология станцияларида тўлиқ бажарилмаётгани аниқланди.

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларида, вилоят Онкология диспансерида, кўз касалликлари шифохонасида, Усмон Юсупов туман марказий шифохонасида ўтказилган текширищда ҳам Меҳнат кодексининг 232-модда талаблари тўлиқ бажарилмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу масала Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Раёсат йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди ва бу каби қонун бузилишларига чек қўйилди.

Текширувлардан, муассаса раҳбарларининг қонунни яхши билмасликлари, соғлиқни сақлаш бошқармаларида ҳуқуқшунослар йўқлиги қонунга риоя қилинмаслигининг асосий сабабларидан бири эканлиги маълум бўлди.

**Карим МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқлари Бош нозири.**

# «ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

# ҚОНУНГА ҲУРМАТ ФАРЗ

Баъзан ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишида мансабдор шахслар билвосита сабабчи бўлмоқдалар. Улар йўл қўйилган камчиликларини дилдан ҳис этиб турсалар-да, уни тузатишга ҳаракат қилмайдилар. Гўёки ишловчилар олдида обрўсизланиб қоладигандек. Натижада жамоада турли келишмовчилик, юқори идораларга шикоятлар оқимининг кўпайишига имкон беради. Бундай ҳолатлар ишлаб чиқариш жараёнига, салбий таъсир ўтказади, холос.

Жиззах вилоятидаги Бахмал туманининг Ўсмат қишлоқ қўрғончасида истиқомат қилаётган Буврайҳон Собирова шундай ёзади:

«Мен йигирма йилдан бери бир жойда - электр алоқа тармоғида алоқачи бўлиб ишлаб келардим. Беш нафар фарзандим бор. Эрим оиламиздан воз кечган. Кўп қаватли уйда тураман. Қўшимча даромад олиш имконияти йўқ. 1997 йилда ўртача ойлик иш ҳақим 2700 - 3000 сўмни ташкил қиларди. Ушбу маошга болаларимга озиқ-овқат, кийим-кечак, мактаб ўқув қуроллари сотиб олиб берардим. Бироқ корхонамизда штат қисқартирилиши муносабати билан ўтган йили вазифамдан озод этилдим. Ишдан бўшатилишда амалдаги меҳнат қонунларининг 103-модда 1 ва 3-бандларида кўрсатилган ҳуқуқий меъёрлар қўпол равишда бузилган. Чунки, бу ўринда менга нисбатан адолатсизлик қилинди. Негаки, ишдан бўшатилаётганда ходимларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, сўнг бирор хулосага келиш лозим. Айни пайтда қонунда имтиёзлар ҳам назарда тутилганки, у билан ҳисоблашмаслик - муқаддас қонунга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Ажаблантирадиган ҳол шундаки, шўъба электр алоқаси бошлиғи Элибой Равшанов менинг ўрнимга ёш қизни ишга қабул қилган. Бу ҳақда шикоят қилиб, кўп идораларга бош урдим, аммо бирор натижа чиқмади. Ахийри туман судига ариза ёздим. Суд шикоятимни прокуратурага оширди. Прокурор ёрдамчиси Зокир Шамсиев адолатни ўрнатишга астойдил киришмади. Ваҳоланки, 1997 йилнинг ноябр ойидан 1999 йилнинг март ойигача менга етказилган моддий ва маънавий зарар учун 64 минг сўм беришлари керак эди.

Март ойининг охирида вилоят электр алоқа Бошқармасига янги раҳбар келди. Мен у кишининг ҳузурларига арз қилиб бордим. Ҳуқуқий меъёрларнинг бузилганлигини пайқаган янги бошлиқ Э.Равшановга ўз ўрнимга тикланишим учун буйруқ чиқаришни топширди. Лекин у ғайриқонуний йўл тутиб, раҳбар кўрсатмасига итоат қилмай, мени ҳисобхонага ишга ўтказди. Тавба, бухгалтерия тўғрисида махсус маълумотга эга бўлмасам, бу соҳада қандай фаолият кўрсатишим мумкин? Шунинг учун Сизлардан илтимос қилиб сўрайманки, мутахассислигим бўйича ишга тикланишим ҳамда бир ярим йил мобайнида кўрган моддий ва маънавий зарарларни ундириб беришингизни сўрайман.»

Шуни айтиш керакки, 24 май куни «Жиззах-Телеком» Шўъба корхонасининг Бахмал туман филиали директори Э.Равшановга 2-даражали ҳуқуқшунос, туман прокурори Ф.Б.Турсунов томонидан 1998 йил 18 январдаги 32-сонли буйруқни бекор қилиш тўғрисида протест (раддия) юборилган ва ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган топшириқни бажариш учун 10 кун муҳлат берилган. Аммо бунда ҳам мансабдор ғуруридан устун келолмади.

Ушбу масала Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Т.Н.Назаржонов, Жиззах вилояти Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси Н.И.Мамадалиева иштирокида батафсил кўриб чиқилди. Туман бўлими директори Э.Равшанов қонуний асосларда ўз буйруғини бекор қилди. Фуқарога етказилган барча зарарларни тўлаш маъмурият зиммасига юклатилди. Топшириқ талабларининг бажарилиши эса қатъий назоратга олинди.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

***Республика прокуратурасининг Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасида доимо иш қизғин. Бошқарма бошлиғи, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Пўлатов ҳамкасблари билан навбатдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.***



**Р.ШАРИПОВ олған сурат.**

Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ:

# ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

**... Ишлаб турганлар билан шартноманинг ёзма шаклига ўтиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги, технологиядаги, меҳнатни ташкил қилишдаги кутилаётган ўзгаришлар ҳақида ходим алоҳида ёзма равишда тилхат олиб (агар у огоҳлантиришни олишдан ёки у билан танишиб имзо чекишдан бош тортса, бу ҳақда тегишли далолатнома тузиб қўйиш керак) икки ой олдин огоҳлантириб қўйилиши шарт. Бу мухлат тугагандан кейин ёки тарафларнинг келишувига биноан у тугамасдан олдин ҳам, агар ходим меҳнатнинг янги шароитларида ишни давом эттиришга рози бўлса, меҳнат шартномаси ёзма равишда тузилиб меҳнат муносабатлари давом эттирилаверади. Мабодо, ходим меҳнатнинг янги шароитларида ишлашга рози бўлмаса, у билан меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 89-моддасига биноан бекор қилиниши мумкин. Бунда ходимга қонунчиликда назарда тутилган бир қатор кафолат ва имтиёзлар берилади.

Иш берувчининг зиммасига эса, аввалги меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини исботлаб бериш мажбурияти юклатилади. Масалан, дейлик, муҳандиснинг иш ўрни корхона янги техникалар билан жиҳозланиши муносабати билан иш ҳажми камайди. Энди уни ҳар куни 8 соатдан ишлатишга ҳожат йўқ. Унинг тўрт соатдан ишлаши ҳам корхона учун етарли бўлиб қолди. Мана бу ҳолатни меҳнат шартлари ўзгариши ҳолати дейиш мумкин.

Тушунарлироқ бўлиши учун бу ҳолатни яна бир мисол орқали кўриб чиқсак. Иш берувчи корхонада технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги омилларнинг биронтасида ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса-да, бир ёки бир-нечта ходимга фалон вақтда сизнинг штатингиз қисқаради деб огоҳлантириш берди. Бу огоҳлантириш муддати ўтгандан кейин ходимга МКнинг 92-моддасига биноан корхонада мавжуд бўлган бошқа бўш ўринни таклиф этди. Ходим эса, бу ишга ўтишга рози бўлмади,-дейлик: маоши камлиги учун. Бу ўринда биз юқорида айтиб ўтганимиздек, МКнинг 89-моддасига биноан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин эмас. Чунки меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳолларда гина йўл қўйилади.

Меҳнат шартномасининг кучга кириши ва ишнинг бошланиши ҳақида айтадиган бўлсак, қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим. Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг (сменанинг) эртасидан кечикмай ишга тушмоғи лозим. Баъзида амалиётда шундай ҳолатлар юз беради-ки, шартнома тузилиб, ишга қабул қилиш буйруқ билан расмийлаштирилгандан кейин ходим бир кун ҳам, бир соат ҳам ишга чиқмайди. Хўш, бунда нима қилиш керак, меҳнат шартномасини қандай бекор қилиш керак, деган савол туғилади. Бундай ҳолатларда иш берувчи томонидан»- ходим ўз меҳнат вазифасини бажаришга киришмаганлиги сабабли у билан тузилган фалон сонли, фалон кундаги меҳнат шартномаси юридик кучга кирмаганлиги сабабли бекор қилинди деб ҳисоблансин, - деган мазмунда буйруқ чиқаришнинг ўзи етарлидир.

Меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига биноан дастлабки синов муддати шарти билан ҳам тузилиши мумкин:

— ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;

— ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришининг мақсадга мувофиқлилиги ҳақида бир қарорга келиши лозим.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши керак. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойдан кам муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги керак. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари дастлабки синов даврида тўлиқ тадбиқ этилиб, меҳнат стажига киритилади.

МКнинг 87-моддасига биноан дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлган тақдирдагина бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қайд этилган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган огоҳлантириш муддатини қисқартиришга фақат шартнома тарафларининг келишуви билан йўл қўйилади.

Синов муддати даврида ёки меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви билан белгилаб олинган огоҳлантириш муддати мобайнида ходим меҳнатга оид муносабатларини бекор қилиш тўғрисида берилган аризани қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

Боши 8 июн сонида

**Саҳифани Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.**

